

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2023-yil 28-dekabr, payshanba

№ 52 (9268)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДХНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 декабрь куни Санкт-Петербург шаҳрида МДХга аъзо давлатлар раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.

Тадбирда Россия Президенти Владимир Путин, Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов ва Арманистон Бош вазири Никол Пашинян қатнашди.

Учрашувда 2023 йилги кўп томонлама ҳамкорликнинг асосий яқунлари сарҳисоб қилинди ва келгуси йилга мўлжалланган устувор вазифалар кўриб чиқилди. МДХ доирасида кўп қиррали муносабатларни ривожлантириш истикболлари юзасидан фикр алмашилди, минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ҳамдўстликда фаол иштирок этмоқда.

Ўзбекистон 20 дан ортиқ тармоқ бўйича ҳамкорлик органлари ҳамда устувор соҳа ва тармоқлар бўйича 24 та муҳим битимга қўшилди.

МДХ мамлакатлари компаниялари билан саноат кооперацияси бўйича лойиҳалар портфели 30 миллиард доллардан ошди ва деярли барча тармоқларни қамраб олган.

Давлатимиз раҳбари МДХ доирасидаги амалий ҳамкорликни тубдан кенгайтириш ва ҳамкорликнинг амалдаги институционал механизмлари самарадорлигини ошириш зарурлигини алоҳида қайд этди.

Шу кунин Санкт-Петербург шаҳридаги МДХ норасмий саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Жорий йилнинг 5-7

октябрь кунлари Россияга амалга оширилган олий даражали ташриф якунида эришилган келишувларни рўёбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Товар айирбошлашнинг ўсиш суръатини сақлаб қолиш ҳамда истиқболли кооперация лойиҳаларини илгари суриш мақсадида яқин идоралараро мувофиқлашув ва амалий ҳамкорликни, шу жумладан, икки мамлакат ҳудудлари даражасида таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Минтақавий кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

МДХ норасмий саммитининг маданий тадбирлар дас-тури доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Санкт-Петербург шаҳрининг сарой-боғ мажмуалари билан танишди.

Давлатимиз раҳбари Россия, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон етакчилари билан биргаликда “Павловск”, “Царское село” ва “Петергоф” музей-қўриқхоналарига ташриф буюрди.

XVIII-XIX асрларда барпо этилган ушбу тарихий обидалар ЮНЕСКО Бутунжаҳон мероси рўйхатига қиритилган, меъморчилик ва боғчилик санъати дурдоналари сифатида тан олинган.

Танишув чоғида давлат раҳбарларига саройлар тарихи, уларнинг ички безаги ва бадиий тўпламлари тўғрисида батафсил сўзлаб берилди. Олий мартабали меҳмонлар эътиборига мусиқа ва халқ оғзаки ижоди жамоаларининг чиқишлари ҳавола этилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг амалий ташрифи якунланди.

ЎЗА



ТУРКИЯ САФАРИ САМАРАЛИ КЕЧДИ

Сув ҳўжалиги соҳасида Туркия давлати билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ушбу мамлакатнинг “Akplast”, “Acar MAK-SAN”, “Ardenplastik”, “Agro new drip” каби йирик корхоналари томонидан Ўзбекистонда сув тежовчи технологиялари учун полиэтилен қувурлар, томизғичли ленталар, насос ва филтър қурилмалари ҳамда турли хилдаги фитинглар ишлаб чиқарилмоқда.

“Агробанк” АТБ билан биргаликда ташкил этилган “Сув лойиҳалари маркази” ва “Сувчилар мактаби” томонидан жорий йилда 155 та туманда фермерлар, агрокластерлар мутахассислари ва сувчиларни ўқитишда туркиялик 15 нафар соҳа мутахассислари ва олимлар фаол иштирок этди.

Ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ва Туркия ўртасида Ҳукуматлараро комиссиянинг 7-йиғилишида иштирок этиш учун Сув ҳўжалиги вазирининг ўринбосари Р.Қаршиев Анкара шаҳрида хизмат

сафарига бўлди.

Туркия Давлат сув ишлари бош бошқармасида ўтказилган музокара-ларда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, суғориш тармоқлари (каналлар)да сув йўқотилишларининг олдини олиш ҳамда соҳада рақамли технологияларни татбиқ қилиш борасида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Томонлар сув омборларидан сув етказиб беришда ёпиқ қувурли суғориш тизимига ўтказиш бўйича Туркиянинг малакали эксперт ва мутахассисларини Ўзбекистондаги


лоийҳаларга жалб қилиш ва лойиҳаларни биргаликда ишлаб чиқишга келишиб олдилар.

Анкара шаҳридаги сув тежовчи технологияларнинг фитингларини ишлаб чиқарувчи “Senkron” компаниясига ташриф чоғида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари ва фаолияти билан танишилди. Компания раҳбарияти томонидан Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида филиал ташкил этишга қизиқиш билдирилди.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК ТУРКИЯ БАНКЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРМОҚДА

Жорий йилнинг 25-26 декабрь кунлари Туркиянинг Анкара шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон-Туркия бизнес-форуми ва Ҳукуматлараро комиссияси йиғилиши доирасида Ўзсаноатқурилишбанк томонидан хорижий ҳамкорлар билан умумий қиймати 130 млн. долларлик битимлар имзоланди.



Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорлик қўлами тобора кенгайиб, кенг қамровли стратегик шериклик босқичига кўтарилган. Банк-молия соҳасида ҳам алоқалар чуқурлашмоқда.

Анкара шаҳрида ўтказилган Ҳукуматлараро комиссиянинг йиғилиши якунлари бўйича Ўзсаноатқурилишбанк Турк Эксимбанки билан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қаратилган қиймати 60 млн. долларлик кредит линиясини жалб қилиш бўйича ҳамкорлик битими имзолаган бўлса, бизнес-форум доирасида “Citibank A.S.” Туркия офиси билан 2024 йил учун ҳамкорлик келишуви, шу жумладан қиймати 70 млн. долларлик кредит линиясини жалб қилиш бўйича келишувга эришди.

Таъкидлаш керакики,

ушбу маблағлар республикамизда кичик ва ўрта бизнес соҳасидаги субъектларнинг савдо ва инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш, қурилиш материаллари ва электротехника саноатларида янги лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

Маълумот учун: 1987 йилда ташкил топган Турк Эксимбанки Туркия ҳукуматида экспортни рағбатлантириш ва ривожлантиришда асосий воситачилик қилади.

Дунёдаги йирик банклардан бири – “Citibank” эса, ўз фаолиятини 1812 йилда бошлаган бўлиб, активлари бўйича АҚШда учинчи ўринни эгаллайди. “Citigroup” молиявий конгломерати таркибига киради. Дунёнинг 19 та давлатида 2,6 мингдан ортиқ бўлинмалари мавжуд.

Банк ахборот хизмати

“Biznesni rivojlantirish banki” ATB boshqaruvi raiisi yoshlar bilan muloqot qildi

Bank boshqaruvi raiisi S.Annaklichev bank tarkibiy tuzilmalarida faoliyat yuritayotgan yoshlar bilan uchrashdi.

Samimiy muloqot ruhida o'tgan tadbirida davlatimiz rahbarining tashabbusi bilan O'zbekistonda amalga oshirilayotgan yoshlar siyosati va iqtisodiy islohotlar, bank-moliya tizimidagi tub o'zgarishlar, “Biznesni rivojlantirish banki” ATBdagi transformatsiya jarayonlari haqida so'z bordi.

Yosh xodimlar o'zlarini qiziqitirgan savollar bilan bank rahbariga murojaat qilishdi va bank faoliyatini yanada rivojlantirishga doir o'z takliflarini bildirishdi.

Uchrashuvda yosh xodimlar bankda boshlangan yangilanishlarning asosiy kuchi va davomchisi ekanligi ta'kidlandi. Bugungi kuchli moliyaviy raqobat sharoitida har bir mutaxassisga talablar o'zgarib borayotgani, yoshlarning yanada chuqur bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishi zarurat ekani qayd etildi.

Tadbir yakunida bir guruh yosh xodimlar esdalik sovg'alari bilan taqdirlandi.

Kelgusida bunday uchrashuvlar tizimli va doimiy o'tkazib boriladi.

Bank axborot xizmati



ХАВФЛИ КИМЁВИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигида “Хавфли кимёвий моддаларни ишончли бошқариш” лойиҳасини амалга ошириш бўйича грант шартномаси имзоланди.

Уч томонлама ҳужжатни Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ўринбосари Жусупбек Казбеков, Европа Иттифоқининг (ЕИ) Ўзбекистондаги элчиси Шарлотта Адриан ва БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилотининг (ФАО) Ўзбекистондаги вакили ўринбосари Шерзод Умаров имзолади.

— Ушбу лойиҳа “яшил иқтисодиёт”га ўтишни қўллаб-қувватлаш бўйича йирик дастурнинг бир қисми бўлиб, дастурига 10 миллион

евродан ортиқ маблағ ажратилган, — дейди Шарлотта Адриан. — Лойиҳанинг қиймати эса деярли 4 миллион еврога тенг. Мақсад Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг бу борадаги имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Ўзбекистонда бу борадаги ишларни яхшилашга эҳтиёж бор. Бу потенциал БМТнинг бир қанча конвенциялари билан боғлиқ. Шунинг учун биз бу интилишни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз.

(Давоми 2-саҳифада)



Собитхон ТУРҒУНОВ,
Наманган давлат университети
ректори, педагогика фанлари доктори,
профессор.

Бугун ҳар бир олий таълим муассасасининг жаҳондаги етакчи илмий тадқиқот ва таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик ўрнатиши, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологияларни жорий қилишини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бу жараёнда олий таълим муассасасига ҳам молиявий, ҳам академик ва ташкилий бошқарув соҳаларида қўшимча

МОЛИЯВИЙ ВА АКАДЕМИК МУСТАҚИЛЛИК — БУ ИЗЛАНИШ, ҲАРАКАТ, ЯНГИ ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ТАТБИҚ ЭТИШ ДЕМАКДИР

Ҳар қандай мамлакат ривожланишини, тараққий этишини, ўз халқи ҳаётининг фаровонлигини таъминлашни истаса, жаҳон андозалари даражасида билим олган, заковатли, ҳар томонлама етуқ мутахассисларни етиштиришга жиддий эътибор қаратади. Мамлакатимиз олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар негизда айнан шундай мақсад мужассам.

ваколатлар, мустақиллик берилиши катта аҳамият касб этади.

Маълумки, Президентимиз томонидан 2021 йил сўнггида олий таълим соҳаси бўйича иккита тарихий қарор имзоланди. “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъ-

минлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларга мувофиқ, мамлакатимиздаги 35 та олий таълим муассасасига молиявий ва академик мустақиллик берилди. Қувонарлиси, улар орасида Наманган давлат университети ҳам бўлиб, бу аслида биз учун юксак эътироф бўлди. Чунки молиявий ва академик мустақиллик ОТМнинг республикада етакчи бўлиши, миллий рейтингда

юқори ўрин эгаллагани, моддий-молиявий имконияти ҳамда илмий салоҳияти юқори бўлгани боис унга мана шундай имкониятлар тақдим этилди.

Шундай қилиб, университетимиз 2022 йил 1 январдан молиявий, 2022/2023 ўқув йилидан ташкилий ва академик мустақил олий таълим муассасаси сифатида фаолият олиб бора бошлади.

(Давоми 2-саҳифада)

Йирик насос станцияларининг барчасига сув сарфини онлайн мониторинг қилиб бориш қурилмаси қўйилди

ҚАРИЙБ 45 МИЛЛИОН КИЛОВАТ СОАТ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТЕЖАЛИШИГА ЭРИШИЛДИ

Аму-Сурхон ИТХБ ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси тасарруфида 113 та катта-кичик насос станциялари мавжуд бўлиб, улардаги агрегатлар ёрдамида ҳар мавсум воҳанинг 80 фоиз экин майдонлари суғорилади.

Йирик насос станцияларининг кўпи Аму-дарё ва Сурхондарё дарёлари қирғоғида жойлашганлиги туфайли айримлари катта кучланиш билан қарийб 45-50 метр баландликка сув чиқаради. Табиийки, айнан шу насос станцияларининг агрегатлари электр қувватини ҳам кўп сарфлайди. Шунга қарамай насос станцияларининг тажрибакор мутахассислари агрегатларни режим асосида ишлатиш, сувга эҳтиёж камайганда агрегатларни навбат билан тўхтатиш, станцияларда электр қувватини камроқ талаб этувчи замонавий агрегатларни ўрнатиш ҳисобига электр қувватини камроқ сарфлаш чораларини излашмоқда.

Бошқармадан олинган маълумотларга кўра, жорий йил учун 910,0 млн.кВт.соат электр энергияси лимити ажратилганди. Насосчилар амалда 865,6 млн.кВт.соат электр энергияси сарфлаб, 44,4 млн.кВт.соат энергияни тежашга муваффақ бўлдилар. Ёки лимитга нисбатан 44 миллиард 400 миллион сўмлик электр энергиясини тежаб ҳам истеъмолчиларнинг сувга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мумкинлигини амалда исботлашди. Насос станцияларида ниямининг ҳисобига электр энергияси тежалган, деган савол туғилади. Юқорида санаб ўтилган омиллардан ташқари, йил давомида насос станцияларидаги 18 та маънан эскирган насос агрегатлари ўрнига замонавий, янги ва электр тежамкор агрегатлар қўйилди. Шунингдек, насос станцияларидаги 25 та электр двигателлар янгисига алмаштирилди. Бундан ташқари, насос агрегатлари ва двигателларни бир маромда ишлашига ёрдамлашувчи 5 та конденсатор қурилмаси



ва 17 та частота ўзгартирувчи қурилмалар сотиб олинди, ўрнатилди. Қуёш қувватидан унумли фойдаланиш ва энергияни камроқ сарфлаш мақсадида насос станцияларида 60 киловаттли панеллар ҳамда 4 та қуёш қуввати орқали сув иситиш кўчма панеллари ўрнатилиб, унумли фойдаланиш йўлга қўйилди. Насос станцияларининг ички ва ташқи қисмини ёритиш мақсадида одатдаги лампалар олиб ташланиб, улар ўрнига 102 дона диод лампалар қўйилди, эскирган ва яроқсиз ҳолга келган 2700 метр кабеллар алмаштирилди.

— Шу каби чора-тадбирлар эвазига электр энергиясини тежашга эришдик, — дейди насос станциялари ва энергетика бошқармаси ишлаб чиқаришни ташкил

этиш бўлими бошлиғи Хўжамқул Мирзаев. — Йирик насос станцияларининг барчасига 24 дона сув сарфини онлайн мониторинг қилиб бориш қурилмаси қўйилдики, бу ҳам соҳа ходимларининг ишини енгиллатиш баробарида энергиядан худа-беҳуда фойдаланишнинг олдини олишга хизмат қилади. Айни пайтда бошқармамиз таркибидаги барча насос станциялари мутахассислари таъмирлаш ишлари билан банд. Таъмирлаш жараёнида ишга туширилганига 30-35 йилдан ошган насос станцияларидаги кўпгина агрегат ва электр двигателлар янгисига алмаштирилмоқда. Бу ислохотлар ҳам келгусида электр энергиясини анча тежаш имконини беради.

Аму-Сурхон ИТХБ матбуот хизмати

ТУРКИЯ САФАРИ САМАРАЛИ КЕЧДИ

(Боши 1-саҳифада)

Туркия қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлигининг лабораторияси (TAMTEST) сув насослари техник параметрлари, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимининг қувурлари ва бошқа эҳтиёт қисмлари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларининг сифатини текшириш билан шуғулланади. Бу ерда олиб борилган мулоқотда Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги Ирригация ва сув муаммолари институтида худди шундай лабораторияни ташкил этиш ва кадрларни тай-

ёрлашга келишиб олинди.

Шунингдек, Туркия қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлиги (TAGEM)да ҳам музокаралар олиб борилиб, суғоришнинг илғор технологияларидан фойдаланиш бўйича республикамиздаги сув хўжалиги ходимлари ва фермерларнинг билим, кўникмаларини оширишда туркиялик олимлар, соҳа мутахассисларини жалб қилиш муҳокама қилинди.

Сув хўжалиги вазирлиги ахборот хизмати.

ХАВФЛИ КИМЁВИЙ ЧИҚИНДИЛАРНИ БОШҚАРИШ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

(Боши 1-саҳифада)

Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ФАО билан биргаликда 2023-2027 йиллар оралиғида Европа Иттифоқининг молиявий кўмағида амалга оширилади. У тугаллангандан сўнг, хавфли кимёвий моддаларни оқилона бошқариш соҳасида мамлакатнинг институционал салоҳияти ошиши кутилмоқда, бу эса хавфли чиқиндилар бўйича янада яхши маълумотлар базасини шакллантириш имконини беради. Шунингдек, Чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегияни ишлаб чиқиш ва тегишли стандартларга эга хавфли чиқиндиларни қай-

та ишлаш корхоналарини босқичма-босқич яратишга ўтиш учун замин яратади. — Бу мавзу Ўзбекистон учун жуда долзарб, чунки қишлоқ хўжалиги мамлакат яппи ички маҳсулотининг 27 фоизини ташкил қилади, — дейди Шерзод Умаров. — Яхши ҳосил олиш мақсадида Ўзбекистонда кимёвий моддалардан ўртача фойдаланиш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда.

Муҳими, лойиҳа қишлоқ хўжалигида барқарор амалиётларни тарғиб қилишни кенгайтиришга ёрдам беради, бу эса фермерлар ва истеъмолчилар учун пестицидлардан фойдаланиш хавфини камайтиради.

Муассасалар ва аҳолининг хавфли кимёвий моддалардан фойдаланиш билан боғлиқ хавф-хатарлар ҳақида хабардорлигини оширишга катта эътибор қаратилади. Лойиҳа хавфли кимёвий чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва улардан самарали фойдаланишга қаратилади. Ўзинг доирасида қишлоқ хўжалигида зарарли моддалардан фойдаланишни камайтириш ва тупроқ ресурсларига камроқ зарар етказувчи моддаларга ўтиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади. Шу билан бирга, хавфли кимёвий чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ишлаб чиқилади.

Муҳайё ТОШҚОРАЕВА, ЎЗА мухбири.

(Боши 1-саҳифада)

Айни пайтда университет бўйича 700 дан зиёд профессор-ўқитувчиларимиз 25 мингдан ортиқ талабаларга таҳсил берапти. Педагогларнинг 27 нафари фан доктори, профессор. 219 нафари фан номзоди, PhD, доцент илмий даражасига эга ўқитувчилар. Университет илмий салоҳияти айни пайтда 36,2 фоизни ташкил этмоқда. Сўнгги уч йилда 71 та илмий ишлар муваффақиятли ҳимоя қилинган бўлса, жорий ўқув йилида 103 та илмий ишлар ҳимоя қилиниши кутилмоқда. Сўнгги йилларда 187 нафар магистрлар ишга қабул қилинди.

Хўш, молиявий ва академик мустақиллик университетимизга нима берди? Энг аввало таъкидлаш ўринлики, бу бизга стандарт нормативлардан фарқи ўлароқ, ўз хусусиятимиздан келиб чиқиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қузатув кенгашлари орқали тасдиқлаб, амалиётга жорий этиш ваколатини берди. Бундай ваколатнинг берилиши рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ва таълим сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Ўз стратегик ривожлантириш дастурларимиз, бизнес режалар ҳамда даромад ва харажатлар параметрини мустақил шакллантириб, қузатув кенгашлари муҳокамасидан ўтказиб, амалиётга жорий этмоқдамиз. Ўтган йили университет профессор-ўқитувчилари томонидан қиймати 2,4279 млрд. сўмлик давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги лойиҳалар бажарилди. 2023 йил давомида эса 3,5779 млрд. сўмлик, яъни 2022 йилга нисбатан 1 млрд. дан кўп маблаг топишга муваффақ бўлдик. Айни пайтда университетда ўндан ортиқ инновацион ишланмалар устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 6 июлдаги “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, университетимиз томонидан 17 та лойиҳа бажарилиши режалаштирилган эди. Шундан 2022-2023 йилларда бажарилиши лозим бўлган 11 та лойиҳанинг барчаси муваффақиятли амалга оширилди. Улар орасида “Саратон касалликларида трансмембранали оқсил (ХЕР2) онкомаркерини диагностика қилиш”, “ПЗР лабораторияларини рақамлаштириш асосида маълумотлар базасини яратиш ва статистик таҳлил самардорлигини ошириш”, “Ноанъанавий ҳомашё ва сабзавотлардан цукат тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқиш”, “Интенсив усулда балик етиштирувчи “Аквакультура” инновацион марказини ташкил этиш”, “Кўзи оқизлар учун инновацион рельефли хаританинг янги авлодини яратиш”, “Кўзи оқизлар учун рельефли ақлли глобусни яратиш”, “Маҳаллий ҳомашёллар асосида пайвандлаш электродларининг бутловчи композицияларини олиш технологиясини яратиш”, “Анимацияни ёндашув асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик онгли шакллантириш технологиясини яратиш”, “Гидрогеологик қудуқларда ер ости сувлари сатҳини масофадан ўлчовчи инновацион қурилмаларини яратиш”, “Саратон касалликларида ХЕР2 онкомаркерини диагностика лабораторияда “Тумор он таргет” усули билан диагностика қилиш” каби лойиҳаларнинг аҳамияти ниҳоятда катта.

Дарвоқе, бугун таълим сифатини ошириш мақсадида хорижий профессор-ўқитувчи ва мутахассисларни таълим жараёнига шартнома асосида жалб қилишимиз, молиявий ресурсларни ишлатиш тартибини мустақил белгилашимиз, бюджетдан ташқари қўшимча маблағлар ишлаб топиш, профессор-ўқитувчилар ва ходимларни қўшимча моддий рағбатлантириш мақсадида инновацион ишланмаларини тижорийлаштириш учун нодавлат нотижорат ташкилотлар ташкил

МОЛИЯВИЙ ВА АКАДЕМИК УСТАҚИЛЛИК —

БУ ИЗЛАНИШ, ҲАРАКАТ, ЯНГИ ҒОЯ ВА МАҚСАДЛАРНИ АМАЛГА ТАТБИҚ ЭТИШ ДЕМАКДИР

этиш ва даромад топиш имкониятига эгамиз. Топилган даромадлар, шубҳасиз, таълим ривожига сарфланмоқда. Ҳозирда университет қошида 3 та корхона фаолият олиб борапти. Жумладан, цукат цехи, мебель цехи ва Чуст шаҳрида жойлашган “Тумор он таргет” усули билан диагностика қилиш маркази ҳам талабаларни иш билан таъминлаш, уларнинг олган билимларини амалиёт билан уйғунлаштириш ва мустаҳкамлашга эришиш, ҳам даромад топиш имконини бермоқда. Цукат цехида мева ва сабзавот маҳсулотларидан цукат тайёрланыпти ва маҳаллий бозорларга чиқариляпти. Мебель цехида эса университет ва бошқа ОТМлар, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига шартнома асосида мебеллар тайёрлаб бериляпти. Мазкур корхоналарда 80 нафардан зиёд талабалар бандлиги таъминланган. Университетда ташкил қилинган “Карьера маркази”да 16 та замонавий русумдаги компьютерлар мавжуд бўлиб, уларга вилоятнинг 14 тумандаги бўш иш ўринлари маълумоти жойлаштирилган. 32 нафар 2-3-босқич талабалари мутахассис сифатида ишга олинган. Марказда вилоят давлат ташкилотларидаги бўш иш ўринлари тегишли ташкилотлардан ҳар ойнинг 10-санасида олинди ва бўш иш ўринлари портфели йил давомида шакллантириб борилади. Сирасини айтганда, марказда бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар базаси яратилган. Таллов асосида талабаларга бўш иш ўринлари тавсия этиб борилмоқда. Шунингдек, “Коворкинг маркази”ни ҳам ташкил этганимиз. Бу марказ университет талаба-ёшларининг бизнес ташаббуслари, ғоялари, лойиҳалари, ноу-хаулари, стартапларини амалга ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш, уларга юридик ҳамда тижорий маслаҳатлар бериш, бухгалтерия ҳисоботларини юритиш, мастер-класслар ўтиш, семинарлар ташкил этиш ва бошқа бир қанча хизматларни кўрсатишга мўлжалланган. Марказ талабаларга ўз инновацион ва бизнес ғояларини амалга ошириш ва тижоратлаштиришда ҳамкор ташкилотлар билан кўпирчи вазифасини ўтайди. Марказда 16 нафар иқтидорли талаба доимий иш билан банд. Яна бир янги ғояларни ўзига жамлаган корхоналардан бири — “NamDU INNOVATION” унитар корхонаси бўлиб, унда 20 нафар талаба фаолият олиб борапти. Бу корхона талабалар учун технология таълими амалиётини таъминлаш, техник ижодкорлик ва дизайн, маҳсулот тайёрлаш технологияси, техник ижодкорлик ва конструкциялаш бўйича амалий машғулотларни замонавий, рақамли дастурлар асосида бошқариладиган дастгоҳлар асосида олиб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Корхонада



талабалар бўш вақтларини унумли ўтказиш билан бирга миллий хунармандчилик асосида замонавий жиҳозларни тайёрлаш, мебелсозлик ва дурадгорлик касбларини эгалламоқдалар. Шунингдек, университетда IT-PARK ташкил этилган ва бу жойда IT соҳасига оид лойиҳа ва дастурларни яратиш хонаси, ахборот технологиялари қизқич талаба-ёшларини ушбу соҳа бўйича ўқитишни йўлга қўйилган. 12 та замонавий компьютерлардан иборат IT-scool хонаси ҳамда лойиҳа ва дастурларни тақдимот қилиш ҳудудлари ёшларнинг иқтидор ва салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, университетда замонавий “Универсал ахборот-ресурс маркази” ташкил этилган бўлиб, у 4000 дан ортиқ янги ўқув адабиётлари, 30 та ноутбуклар, 25 та компьютерлар ва 4 та мониторинг билан таъминланди. Ҳозирда Наманган давлат университети 42 та хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари ташкил этилган. Бизга берилган яна бир муҳим ваколат шундан иборат бўлдики, биз ташкилий тузилма ва штат бирликларини мустақил жорий этиш ҳуқуқига эга бўлдик, меҳнат бозорида иқтисодиёт тармоқлари учун зарур бўлган мутахассисларни кадрлар буюртмасининг талаби асосида тайёрлашни йўлга қўйдик ва шу мақсадда жорий ўқув йилидан бошлаб бир неча мутахассисликлар бўйича

янги йўналишларни очдик. Бугун университетимизда 13 та факультет, 41 та кафедра мавжуд. 71 йўналишда малакали бакалавр босқичи мутахассисларини, 27 йўналишда магистратура босқичи бўйича мутахассислар тайёрланыпти. Университетимизда нафақат таълим, балки тиббиёт соҳасида учун ҳам мутахассислар тайёрланади. Вилоятдаги олий таълимоти тиббиёт ходимларига бўлган талабни инобатга олган ҳолда 2021 йилда университетда Тиббиёт факультети очилди. Ҳозирда факультетда даволаш иши, педиатрия иши ва фармация йўналишларида талабалар тахсил олишмоқда. Факультетда Анджон давлат тиббиёт институти ва вилоятдаги нуфузли тиббиёт муассасаларидан фан докторлари ва фан номзодлари ташқи ўриндошлик асосида талабаларга билим бериб келмоқдалар. Шунингдек, қўшма таълим дастурлари асосида Россиянинг Урал давлат тиббиёт институти билан ҳамкорликда таълим жараёнида ташкил этилмоқда. Бу дастурнинг афзаллик томони шундан иборатки, талабалар маълум вақт Россия давлатида ҳам ўқишни давом эттирадилар, натижада университетни иккита диплом билан тамомлайдилар.

Албатта, молиявий имкониятдан келиб чиқиб, иқтидорли, ижтимоий Ҳимояга муҳтож талабаларни молиявий қўллаб-қувватламоқдамиз. Қолаверса, тўлов-шартнома миқдори, уларни тўлаш ва узайтириш муддатини мустақил белгилаяпмиз. Рақамларга эътибор қаратсак. 2022 йилда

“Талабаларни рағбатлантириш жамғармаси” ҳисобидан 1890 нафар талабага 1,1 млрд. сўм рағбатлантириш берилган бўлса, 2023 йилда 1465 нафар талаба 500 млн. сўм миқдорида рағбатлантирилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат олий таълим муассасаларининг ижара ҳуқуқи асосида яшаётган талабаларига ойлик ижара тўловининг бир қисмини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қоплаб бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосан, ётоқхона билан қамраб олинмаган ва ўзига, шу жумладан, ота-онаси (қонуний вакиллари)га тегишли бўлмаган уйда ижара ҳуқуқи асосида яшайдиган 7959 нафар талабага 2022 йилда 1,2 млрд сўм, 2023 йилда эса 12527 нафар талабанинг 1,9 млрд сўм миқдоридаги ижара тўловларини қоплаб берилди. Қўрилиб турибдиган, 2022 йилга нисбатан жорий йилда 60 фоиз кўп маблаг тўлаб берилди.

2022 йилда университетимизда таълим олаётган тўлиқ давлат таъминотида бўлган етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакиллари қарамоғидан маҳрум бўлган талабаларга 118 млн. сўм давлат бюджетидан маблағлар тўлаб берилди. 2023 йилда эса ана шундай моддий қўмак миқдори 281 млн. сўмни ташкил этди. Яъни, 2022 йилга нисбатан 86,5 фоиз кўп маблаг тўлаб берилди.

Университет ўқув-услувий таъминоти талаб даражасида. Ахборот-ресурс марказимиз фонди 271206 тани ташкил қилади. Адабиётларнинг 147020 таси дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳисоблана, 50841 таси илмий адабиётлар сирасига қиради. 46664 та бадиий адабиётлар, 26681 турдаги бошқа адабиётлар ва 15650 та электрон китоблар фойдаланувчилар учун айниқса, қўл келмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан берилган имкониятлар натижасида университетимизнинг моддий-техник салоҳияти тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Айни пайтда талабалар учун 8 та ўқув биноларидаги 243 та аудиторияда таълим учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Барча аудиториялар ва 36 та лабораториялар энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. 1483 та компьютерларнинг барчаси интернетга уланган.

Жорий йилда 400 ўринли талабалар турар жойи қурилиши бошланди. Лойиҳавий қиймати 25 миллиард сўмдан ортиқ бўлган бино 7 қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватда ўқув хонаси, ошхона, тиббий хизмат хонаси, спорт-соғломлаштириш ҳамда маиший хизмат қўрсатиш хоналари жойлашади. 4 та хона жисмоний имконияти чекланган талабалар учун махсус лойиҳавий режа асосида қуриб, битказилляпти. Ногиронлиги бўлган талабаларнинг турар-жой биносига кириб-чиқишда қўлайлик яратилляпти. Мазкур талабалар турар жойи муқобил энергия манбалари билан тўлиқ таъминланади. 2025 йилга қадар яна бир 7 қаватли, 400 ўринли замонавий талабалар турар жойи биноси ҳамда 2000 ўринли “Инновацион факультет” қурилиши ҳам назарда тутилляпти.

Буларнинг барчаси молиявий мустақилликка эришганимиз фаолиятимизда кенг имкониятлар эшигини очиб бераётганини кўрсатади. Соҳада ислохотлар олий таълим муассасалари ривожига хизмат қилибгина қолмай, изланишга, янги ғоя ва ташаббусларни илгари суришга, амалий натижага эришишга хизмат қилмоқда. Биз ҳам қатор соҳалар бўйича билимли кадрларни етказиб бериш йўлида бор куч-салоҳиятимизни сафарбар этмоқдамиз. Мақсадимиз замон билан ҳамнафас бўлиш, замонавий таълимнинг ҳар бир қирраларини ўз фаолиятимизда мужассам этишдан иборат.

➤ **Сарҳисоб**



Эндиликда Наманганнинг қатор соҳалардаги доруғи етти иқлимга етиб борди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Бугун бу ҳудудга келган меҳмон борки, обод манзилларга, саноатлашган маҳаллаларга кўзи тушади. Тўкинлик тимсоли бўлиши бозорларини кўриб шуқорналар келтиради. Элга бири-биридан сара, сифатли маҳсулотлар етиштириб бераётган қишлоқ хўжалиги соҳаси меҳнаткашларига тасаннолар айтади. Эришилаётган бу каби ютуқларда уруғчилик йўналишида изланиб, тер тўкаётган, йилдан-йилга ижобий натижаларни қўлга киритишга муваффақ бўлаётган соҳа фидойиларининг ҳам ҳиссаси катта.

Яқунланаётган йилда вилоятимиз қишлоқ хўжалигида дадил қадамлар қўйилди. Пахта, ғалла, сабзавот, дукакли экинлар етиштиришда қутилган иқтисодий ўсишга эришилди. Бу ютуқларнинг қўлга киритилишида бошқармамиз, шу жумладан, унинг тизимида фаолият олиб бораётган марказ, станциялар, элита уруғчилик хўжалиги МЧЖлари, уруғлик дон ва чигит тайёрловчи цехлар, уруғлик етиштиришга ихтисослашган фермер хўжалиқларининг ҳам ҳиссаси бор, албатта. Ушбу йилда 61 минг 25 гектар майдонга давлат стандарти талаблари асосида 2 минг 457 тонна сара уруғ 21 та шахобча-лар орқали фермер хўжалиқларига белгиланган муддатларда етказиб берилди. Ўтказилган танлов натижаларига кўра 235 та субъектнинг 6 минг 212 гектар майдони танлаб олинди. Бу майдонларга белгиланган муддатларда уруғ экилиб, юқори агротехник тадбирлар асосида парвариш қилинди. Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 8 апрелдаги “2022 йилда Давлат реестрига кири-тилган, истикболли ва янги навларнинг элита, биринчи авлодли уруғларини етиштириш тўғрисида”ги буйруғига асо-сан вилоятдаги 5 та элита уруғчилик хў-жалиқларининг 217 гектар майдонида ғўзанинг районлашган 3 та эртапишар, 1 та ўртапишар навлари жойлаштирилди. Амалга оширилган агротехник тадбирлар натижасида, ушбу майдонлардан жами 364 тонна юқори авлодли уруғлик пахта хомашёси жамғарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг 2022 йил 28 январдаги “Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғчилигини яна-да ривожлантириш бўйича қўшимча чо-ра-тадбирлар тўғрисида”ги қарори

ижросини таъминлаш мақсадида Ўйчи туманида дала апробация ўқув семи-нари ўтказилди. Вегетация даврида мутахассислар томонидан уч маротаба мониторинг ишлари амалга оширилди. Навдорлиги паст, ривожланишдан орқада қолган, чанқатиб қўйилган, агротехник тадбирлар бузилган, касаллик ва зарар-кунандалар билан зарарланган жами 647 гектар майдонларни яроқсизга чиқариш бўйича далолатномалар расмийлашти-рилди. “Яроқли” деб топилган 231 та субъектнинг 5 минг 565 гектар уруғлик пахта майдонларидан 8 минг 440 тонна уруғлик пахта хомашёси жамғарилди. 2024 йил ҳосили учун туман ҳокимлик-лари, пахта-тўқимачилик кластерлари ҳамда фермер хўжалиги раҳбарларининг талабномаларидан келиб чиқиб, 2 минг 732 тонна уруғлик чигит тайёрланди.

Шунингдек, 2023 йил ғалла ҳосили учун апробациядан ўтган 245 та субъ-ектнинг 5 минг 255 гектар ғалла май-донларидан 18097 тонна уруғлик дон жамғарилди. Бунда кластерлар, марка-зимиз тизимидаги “Chortoq best seeds”, “Uchqo'rg'on best seeds” МСНЈлар, элита уруғчилик хўжалиқларининг муносиб ҳис-саси бор. Уруғлик ғалла майдонларида вегетация даврида 3 маротаба монито-ринг ўтказилди. Субъектларга бошқарма мутахассислари томонидан уруғлик ғалла етиштириш ва агротехник тадбирларни олиб бориш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатилди. Агротехник тадбирларни қўпол равишда бузган 63 субъектнинг 563 гектар майдонлари уруғлик учун “яроқсиз” деб топилди. Ғалла етишти-ришда амалга оширилган ислохотлар ва навларнинг доимий янгилаб бори-лиши натижасида жорий йилда ғалла

ҳосилдорлиги вилоятимиз бўйича ўртача 70 центнерни ташкил қилиб, 2022 йилга нисбатан 4 центнер кўп ҳосил олинишига эришилди.

Келгуси йил ҳосили учун 271 та субъ-ектнинг 5 минг 880 гектар майдонларига уруғлик дон экилди. Айни кунларда ушбу майдонлардан 16594 тоннага яқин си-фатли ва сара уруғлик дон жамғариш борасида зарур агротехник тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятимизда шунингдек, юқори унумдор, сув билан яхши таъминланган субъектларнинг 1320 гектар майдонлари сабзавот, полиз, мойли, дуқаккли, озуқа ва бошқа экинлар уруғчилигига ихтисос-лаштирилди. Ушбу майдонларга сабзавот, полиз, мойли, дуқаккли, экинлар жой-лаштирилди. Туркиянинг “Natural seeds” компанияси билан икки томонлама шарт-



нома тузилиб, 30,2 гектар майдондан жами 81,7 тонна соя уруғи етиштиришга муваффақ бўлинди. Элита уруғчилик хўжалиқлари томонидан 2023 йил ҳоси-лидан жами қиймати 15 млрд. 587 млн. сўмлик қишлоқ хўжалик экинлари уруғ-ликлари ва маҳсулотлари етиштирилди. 2022 йил ҳосилидан етиштирилган пахта хомашёсини қайта ишлашдан 6 млрд. 79 млн. сўмлик 262 тонна тола, 984 млн. сўмлик 239 тонна техник чигит, 4 млрд. 322 млн. сўмлик 157 тонна уруғлик чигит, 115 млн. сўмлик 21 тонна пахта момиги, 17 млн. сўмлик 7 тонна улюк ва 21 млн. сўмлик 27 тонна пух маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, сотилди. Жорий йилда маҳ-сулотлар реализацияси, хизматлар кўр-сатиш ва устамалар ҳисобланишидан хўжалиқлар томонидан жами 23 млрд. 541 млн. сўм даромад олинди.

Вилоятимизда уруғчилик соҳасини ислох қилишга катта устуворлик берилди ва вазифалар кўлами янада кенгайди. Собиқ “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимида-ги 1 та уруғлик чигит тайёрлаш цехи ва “Ўздоммаҳсулот” АК тизимидаги 2 та уруғ-лик дон тайёрлаш цехи Марказ балансига ўтказилди. Ушбу уруғлик цехлар негизда янгидан “Chust best seeds”, “Chortoq best seeds”, “Uchqo'rg'on best seeds” МСНЈлар ташкил этилди. Айни кунларда уларда чигит, уруғлик дон сараланиб, дориланиб, тизимли етказиб берилмоқда.

Сирасини айтганда, Наманган уруғчи-лик тажрибасини янада ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган соҳа ишчи-ходимлари, фидойи деҳқон-фер-мерлари Янги йилни муносиб меҳнат ютуқлари билан қарши олмақдалар. Фурсатдан фойдаланиб, юртдошлари-мизни, шунингдек, тўкинчилик йўлида тер тўкаётган ҳамкасбларимизни яқин-лашиб келаётган янги йил билан мубо-ракбод этамиз. Барчангизга юрт равнақи йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!

Ойбекжон ҲАЙДАРОВ,
Республика уруғчиликни
ривожлантириш маркази
Наманган вилояти
бошқармаси бошлиғи.

➤ **ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**

➤ **Таълим**

САВОД ЎРГАТИШ – БОШ ВАЗИФА

Ёш авлодга ўқиш-ёзишни ва тўрт амални ўргатиш узоқ вақт бошланғич таълимнинг асосий вазифаси деб ҳисоблаб келинди. Эндиликда бу соҳада ўтказилаётган ислохотлар натижасида вазият кескин ўзгарди.



Бугунги кунда мактабга илк қадам қўяётган болаларнинг кўп-чилиги аввало болалар боғчаси-дан ёки ота-онасидан ўқиш-ёзиш-ни ўрганиб келишмоқда. Шунинг учун улар биринчи синфда алифбе даврини тезда ўтишиб компьютерлар билан шуғулланишмоқда. Бир вақтлар иккинчи даражали дарс сифатида қараб келинган тасвирий санъат, техно-логия, жисмоний дарсларга кўп вақт ажратилаётганлиги туфай-ли ўқувчиларнинг дунёқараши ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Беш-ўн йил илгари ўқитувчи раҳбарларнинг дарс таҳлилига айтадиган бўлишди. Яқинда биз янги ўқув йилида қабул қилиб олган биринчи синф ўқувчила-рининг саводхонлиги текшириш-дан ўтказилди. Қачонки, илгари ҳар бир синфда 2-3 ўқувчи уч ой ўқиганида ҳам ҳарфларни танимаслиги одатий ҳол бўлган бўлса, бу сафар ҳамма ўқувчи кўрсатилган текстини шариллатиб ўқиётганлигидан раҳбарларимиз ҳайрон қолишди. Бир дақиқада юздан ортиқ сўзни равои ўқиб бераётган ўқувчининг ёнидаги қо-лоқ деб юрган ўқувчи ҳам йилгир-мадан ортиқ сўз ўқий олди. Аммо ана шу ўқувчиларнинг бошқа фанлардан кўрсатган ўзлашти-ришлари бўйича кўрсаткичлари юқори бўлди. Юртбошимизнинг

нажот таълимда, нажот билимда, нажот мактабда дея қилаётган даъватларини ота-оналар ҳам яхши англаб етаётганлиги туфай-ли оилада ҳам ўз фарзандлари-нинг ўқишларига эътибор яхши-ланиб бораётганлиги уларнинг саводхонлигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айни пайтда ота-оналарнинг мактаб билан, ўқи-тувчилар билан алоқалари анча яхшиланиб бормоқда. Ҳар бир ўқувчининг отаси ёки онаси биз билан қарийб ҳар кунни телефон орқали фарзандининг ўқиши ва тарбиясига қизиқиб гаплашади, тез-тез мактабга келиб туради, муаммолар туғилса бирга ҳал қиламиз. Оилада бола тарбияси учун имкониятлар етарли бўлма-ган ҳолларда ёки тарбияси оғир болалар билан ишлаш ўқитувчи учун анча қийинчилик туғдиради. Мана шундай пайтда биз фаол ўқувчилардан фойдаланишга ҳа-ракат қиламиз. Ўзлаштиришда қийналаётган ўқувчини иқтидор-ли синфдошига бирктиб қўйиш яхши самара беради. Аввало аълочи ўқувчи ўзига билдирла-ётган масъулиятдан хурсанд бў-либ синфдошига ҳар томонлама ёрдам беришга ҳаракат қилади. Кўпинча бундай ўқувчилар бир умр ўзаро дўст қолишади.

Сарвиноз МУСТАФАЕВА,
Шаҳзода СУННАТОВА,
Ғузор тумани Ўбайбулла
Уеватов номидаги
1-мактаб ўқитувчилари.

➤ **Эълон**

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси” давлат муассасаси бош пудратчилигидаги қуйидаги объектларга ёрдамчи пудратчиларни аниқлаш учун ўтказилаётган танловга иштирокчиларни таклиф этамиз:

Объект номи: **“Навоий вилоятидаги “Сармишсой” кўриқхонасида реставрация, таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш”**
Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – **1 203 774636 сўм.**

Ишларни тугаллаш муддати – **160 кун.**
Объектни молиялаштириш манбаси: **Бюджет маблағлари ҳисобидан.**

Бош пудратчи: **“Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси” давлат муасса-саси.**

Манзил: **Тошкент шаҳри Миробод тумани Т.Шевченко кўчаси 1-уй.**

Таклиф этилган шартлар бўйича танловда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари (шунингдек, икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рух-сат этилмайди, танлов ахборот жадвали (ТАЖ) га қаран!

Танлов иштирокчиларига қуйидаги талаб-лар қўйилади:

- ✓ фуқаролик-муомала лаёқати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиги;
- ✓ доимий ҳодимлари, жумладан муҳандис-тех-ник ходимларига эга бўлиши;
- ✓ ишлаб турган асосий воситалари, шу жум-ладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва ме-ханизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;
- ✓ ўз айланма маблағлари билан таъмин-ланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффицентдан кам бўлмаган);
- ✓ тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэф-фициентдан кам бўлмаган);
- ✓ танлов объектига ўхшаш объектларда ишла-

ганлик тажрибаси мавжудлиги;

✓ бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

✓ тузилган пудрат шартномаларига мувофиқ, қурилишнинг буюртмачиси ва фойдаланиш таш-килотларининг хулосалари билан тасдиқланган шахарсозлик, санитария меъёрлари ва қоида-лари, белгиланган муддатларга риоя қилиш ва бажарилган таъмирлаш ишларининг сифати тўғрисидаги маълумотлар;

✓ устав фонди миқдори тўғрисидаги маълум-отлар.

Агар танлов предмети бўлган иш (хизмат)лар-ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензияланиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган иштирокчиларга рухсат этилади.

Қуйидаги иштирокчиларга танловда ишти-рок этишга рухсат берилмайди:

- ✓ қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
- ✓ мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, хол-динг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қар-рамлиги мавжудлар.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлов иштирок-чилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлов иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида, танлаш предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойи-ҳанинг график қисми (*чизмалари*)ни тақдим эти-лиши ҳақида танлов ташкилотчисига мурожаат

қилишга ҳақлидор.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчиси объект-нинг лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек, унинг график қисмини (*чизмаларининг нусхаси ёки элек-трон вариант*)ни танлов иштирокчиларига улар-нинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Иштирокчилар таклифлари ташкилотчи то-монидан юқоридаги манзилда, иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

Танлов ташкилотчиси “STROY KONSALTING SERVIS” МЧЖга оферталарни тақдим этишнинг охириги муддати – оферталарни очиш куни ва вақтигача қуйидаги манзилда: Тошкент шаҳри Миробод тумани Шаҳрисабз кўчаси 16 “а”-уй манзилдаги офиси (мўлжал: “Агросаноат-лоийҳа” МЧЖ маъмурий биносининг 504-хо-наси. тел:+99898 338-83-05.

Танлов бўйича харид қилиш ҳужжатлари тан-лов ташкилотчисидан олинганда талабгор томо-нидан белгиланган тартибда танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш бўйича буюртманомна танлов ташкилотчисига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилади.

Танлов бўйича харид қилиш ҳужжатлари битта тўпламининг нархи – 1 500 000 сўм.

Таклифларни топшириш танлов иштирокчиси-нинг танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатил-ган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмла-ри, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш эълон газетада чоп этил-ганидан камида беш иш кунидан сўнг ўқазилади.

Кириб келаётган янги йил қутлуғ бўлсин!



Янги йилингиз муборак бўлсин!



“ЎЗДОНМАҲСУЛОТ”

акциядорлик компанияси жамоаси

юртдошларимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан муборакбод этади. Мамлакатимиз иқтисодини мустаҳкамлаш, юртимизни янада обод этиш йўлида ўзларининг бор куч-қайратлари, билим ва тажрибаларини бахшида этаётган барча ватандошларимизга сиҳат-саломатлик, ишларида улкан муваффақиятлар тилайди. Илоҳим, кириб келаётган 2024 йил қувончу шодликларга бой, баракали, омадли йил бўлсин! Янги йилда барчамизга янги-янги марраларни забот этиш насиб этсин!





МАҲАМ-ШИРЧИҚ

акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни тобора яқинлашаётган 2024 йил билан муборакбод этади. Барчага Янги йил янги-янги ютуқлар, қувончу шодликлар олиб келишини тилайди. Кўтаринки кайфият қалбларингизни ҳеч қачон тарк этмасин! Амалга ошираётган барча эзгу ишларингиз бароридан келсин!





2024



SAÑOAT QURILISH BANK

Aziz yurtdoshlar!

O'zsanoatqurilishbank jamoasi sizlarni yaqinlashib kelayotgan Yangi yil bayrami bilan samimiy muborakbod etadi.

2024 yil barchangizning oilangizga baxt, qalbingizga quvonch, dasturxoningizga fayzu baraka olib kelsin.



Xizmatlar litsenziyalangan



Biznesni Rivojlantirish Banki

YANGI 2024

YILINGIZ MUBORAK BO'LSIN!



www.brb.uz

1254

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплексى таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ, Муҳаммадjon ТОШБОЛТАЕВ, Актам ҲАИТОВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ, Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Г-1240. 1280 нускада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Манзилими: Тошкент вилояти Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45. Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-7021
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 18.30